

# ШАРТНОМА 6.

## Булоқбоши тумани

2022 йил “12”май

Булоқбоши туман тиббиёт бирлашмасиномидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ Т.Давронов(кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “Замин Юлдузлари Шалоласи” МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбари М.Тургунов кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга кадар ҳар куни Буюртмачини мижозларнинг **овқат тайёрлашхизматини** ҳамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-хуқукий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва коидаларига риоя этган холда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022йил “12” майдан.

2022йил “31” декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлантирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги хуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки кисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиши таклифи билан чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб килиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб килиш;

2.1.7. Қонун хужжатларига мувофик бошқа хукуклар.

## 2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келгандан уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, фойдаланган коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини қўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишида огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида қўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда қўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар қўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат қўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқданганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хуқукини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (қўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклashi;

2.2.11. Хизмат қўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишида огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз қўрсатилишини таъминлаши;

- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);
- 2.2.16. Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.
- 2.3. Буюртмачи қуидаги хукуқларга эга:
- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;
- 2.3.4. Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.
- 2.4. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:
- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### **III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **194174000 сўм (Бир юз тўқсон тўрт миллион бир юз етмиши тўрт минг)** сўмни ташкил этади.
- 3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда бир марта амалга оширилади.
- 3.3. Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан, 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.
- 3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ; бўлмаган миқдорда тўланади.
- 3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Аутсорсер томонидан овқат тайёрлаш хизматини олиб борища, санитария қоидалари ва меъёрлари талабарини бажарилиши ҳолатининг кунлик назоратини олиб бориш буюртмачининг тегишли масъул ходимлари зиммасига юкланди.

4.2. Аутсорсинг хизматларини мониторинг қилиш буюртмачи томонидан шартномада белгиланган шартларда кунлик амалга оширилади.

4.3. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг тегишли бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

4.4. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.5. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.6. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.7. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.8. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

## I. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## II. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

## III. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.


7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хуқук ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал килади.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
<p><b>“Замин Юлдузлари Шалоласи” МЧЖ</b> Манзил: Андижон ш.Гулистон14 Х/Р:20208000600501087001 Банк:Асакабанк Андижон вил филиали МФО:00069 ЙИИН:303381331</p> <p>Рахбар:  М.Тургунов</p>	<p>Булоқбоши туман тиббиёт бирлашмаси Андижон вилояти Булоқбоши тумани Навқирон кўчаси 33 уй Ш/р:  Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги х/р: 2340200300100001010 Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси МФО: 00014 ЙИИН: 201122919</p> <p>директор:  Т.Давронов</p>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA  
№ZL1018577272**

1. Loyihaning turi

**SHARTNOMA**

2. Loyihaning nomi

**SHARTNOMA**

Buloqboshi tuman tibbiyot birlashmasi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi boshliq T.Davronov (keyingi o‘rinlarda Buyurtmachi deb ataladi) bir tomonidan va “Zamin Yulduzlari Shalolasi” MChJ nomidan Ustav (ishonchnoma) asosida faoliyat yurituvchi rahbari M.Turgunov keyingi o‘rinlarda Autsorser deb ataladi), ikkinchi tomonidan.


3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

**Buloqboshi TTB 10.05.2022 yil**

Loyiha: O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

12.05.2022 yil

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**A.G‘.Toshxo‘jazoda**

“12” 05 2022 йыл күнү  
Солтүшілдөр шартномасы  
0/0/0/0

Шартноманинг прогноз суммасы

т/р	ойлар	оидаги күнлар сони	үлчов бирліги	хизмат бірлігін үчүн нарх (сұм)	хизмат бірліктің сони	жами суммас ККС сиз (еүм)	KKC %	Жами сумма ККС бизан
				иниушта, түшілік, кечкі оқытат	иниушта, түшілік, кечкі оқытат			
1	Январ							
2	Февраль							
3	Март							
4	Апрел		хизмет күрсатни					
5	Май	31	хизмет күрсатни	17000	3953			67201000
6	Июн	30	хизмет күрсатни	17000	1067			18139000
7	Июль	31	хизмет күрсатни	17000	1067			18139000
8	Август	31	хизмет күрсатни	17000	1067			18139000
9	Сентябрь	30	хизмет күрсатни	17000	1067	*		18139000
10	Октябрь	31	хизмет күрсатни	17000	1067			18139000
11	Ноябрь	30	хизмет күрсатни	17000	1067			18139000
12	Декабрь	31	хизмет күрсатни	17000	1067			18139000
Шартномадағы				245.		11422		194174000



Анықталған жағдайда оқытамасы  
Саломалық мемлекеттік мемлекеттік

Т. Ахметов



Анықталған жағдайда оқытамасы  
Медициналық мемлекеттік мемлекеттік

М. Ахметов